

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

5-son (2020-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

MUNDARIJA

DOLZARB MAVZU	7
Сойиб РАУПОВ. Мустақиллик ва маҳалла институти	7
PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	14
Бахтиёр АДIZOB. Талабаларнинг маънавий камолотида ўзини-ўзи тарбиялашнинг ўрни	14
Shahlo TURDIYEVA. Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija	17
Муножатхон АСПАНБОЕВА. Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари.....	20
Komila SAYITOVA. Problems of distance education and the ways of their solution.....	27
Темир ОЛИМОВ. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини шакллантиришда замонавий ўқитувчининг қиёфаси	33
Фарход ҲОШИМОВ, Роҳатой ЭГАМБЕРДИЕВА. Таълим сифатини ошириш ўзбекистон ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида (Япония мисолида)	36
Замира КУРБАНИЯЗОВА. Бўлажак педагогларнинг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш	43
Bahrom URINOV. Ta'limga Yevropa integratsiyasining asosiy maqsadi va tamoyillari	48
Муҳаббат МИРСОЛИЕВА. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг метакомпетенцияларини ривожлантириш модели	51
Баҳринисо ТЎРАҚУЛОВА. Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интегратив ҳамкорлигини такомиллаштириш технологияси	55
Ilhom MADATOV. Elektron ta'lim texnologiyalari (blended learning).....	58
Насибхон ОЛТМИШЕВА. Глобллашув жараёнлари ва таълим-тарбия масъулияти	62
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	66
Зебинисо ХАНКЕЛЬДЫЕВА, Дилором УБАЙДУЛЛАЕВА. Модель организации самостоятельной работы студентов с использованием дистанционных технологий.....	69
Олимжон АҲМАДОВ. XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия тизимининг манбавий асослари ва адабиётлар таснифи.....	74
Akram SOKHIBOV, D. A. RUSTAMOV. Historiographical aspects of the study of national pedagogy is the great contribution of the great eastern thinkers	78
Лобар ШАРИПОВА, Башорат ШАРИПОВА. Ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти.....	81
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Системная целостность образования, науки и производства - основа развития инновационного экономического мышления у студентов	85
Гуллола РАҲМОНОВА. Талабаларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш усуллари ..	90
Manzura OCHILOVA, Nilufar RAXIMOVA. "Oilada yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda milliy qadryatlarning o'rni" modulini o'qitish samaradorligini oshirishning ustuvor yo'nalishlari	93
Хулқархон ДЖУМАЕВА. Талабалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ички таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари.....	96
Зебо МАМАРАЙМОВА. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари	100
Gulchehra ALIMOVA. Kichik maktab yoshida o'quvchi shaxsining psixologik-pedagogik rivojlanish xususiyatlari.....	103
Наира ОДИЛОВА. "Хотира" мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг психологик хусусиятлари	108
Навбахор УМАРОВА. Тасаввур-белгилар тизими – шахс иқтисодий мавқеини баҳолашдаги мезон сифатида	112
Умида ЛАТИПОВА. Талаба шахсида ижодий фаоллик намоён бўлишининг ички ва ташқи мотивлари. 116	
МАКТАБГАЧА ВА БОШLANG'ICH TA'LIM	119
Юлдуз ПЎЛОТОВА. Бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларини интеграциялашнинг методик имкониятлари.....	119
O'g'iljon OLLOQOVA. Lingvistik kompetensiya va uning turlari	126
Rustambek QO'LDOSHEV. The content of pedagogical assistance in the period of adaptation of left-handed first-graders to school, adaptation to school and its features among students of the first year of study.....	132
Гулшан МАМАТОВА. Бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълим усулларида фойдаланиш 136	
FILOLOGIYA VA TILLARNI O'RGANISH.....	139
Nigora MAHMUDOVA. So'z modelidagi sintagmaning lingvistik tabiati	139
Атоулло АХМЕДОВ. Ўзбек ва татар тиллари сабоқларидан.....	143

Гуллола РАҲМОНОВА
Бухоро давлат университети
мактабгача таълим
кафедраси ўқитувчиси

ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Ушбу мақолада талабаларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш зарурияти, усуллари ва уларни маънавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан етук, мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: таълим ислоҳоти, талаба, ўқувчи-ёшлар, тарбия, маънавият, ахлоқ, компетенция, маънавий-ахлоқий компетенция, ривожланиш, метод, йўналиш.

В данной статье рассматриваются потребность и методы развития духовно-нравственных компетенций у студентов. Затронуты научно-методические основы развития независимого мышления зрелого поколения в духовно, культурно, этически, политически, юридически, экономически и социальных сферах.

Ключевые слова и фразы: образовательная реформа, студент, молодежь, образование, духовность, этика, компетентность, духовно-нравственная компетентность, развитие, метод, направление.

This article develops the need and methods of developing spiritual and moral competencies in students and the scientific and methodological basis for their development into a spiritually, culturally, ethically, politically, legally, economically, socially mature independent thinking generation.

Key words and phrases: educational reform, student, student-youth, education, spirituality, ethics, competence, spiritual-moral competence, development, method, direction.

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни маънавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу концепциянинг мақсади - ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборатдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган “аҳоли, айниқса, ёшлар тарбияси билан боғлиқ вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни тинч-осойишта ҳаёт учун энг зарур таянч компетенциялар билан таъминлаш, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, тарбия жараёнида ўзлуксизлик, узвийлик тамойилларига таянган ҳолда, аввало, ёшларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларни белгилаш, ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш каби чора тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда” [1].

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, ўзлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига педагогик-психологик изланишлар натижасида кириб келган тушунча ҳисобланади. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қўйилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла

маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда.

Компетенциянинг муҳим йўналишларидан бири маънавий-ахлоқий компетенциялардир. Маънавий-ахлоқий компетенциялар - Ватанга садоқат, тadbиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантиришни ўз ичига олади.

Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Айрим ўқувчи-ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмаганлиги, ўзини-ўзи ўқишга сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим сифатига ҳам зарар кўрсатмоқда.

Ўқувчи ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий компетенцияларини шакллантириш учун, албатта тарбияга эътибор беришимиз зарур. Тарбия бу туғилгандан бошланади ва умрнинг охиригача давом этади. Буюк мутафаккирларимиз А.Авлоний, А.Фитратлар таъкидлаганидек, тарбия, аввало оиладан бошланади. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий кадриятларнинг ривожини таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ахлоқий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Ёшларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, маънавий моддий тарбиясида асосий омил ва восита оила ҳисобланади.

Маънавий-ахлоқий компетенциянинг муҳим таркибий қисми – ватанпарварликдир.

Ватанпарварлик сўзининг негизини Ватан ташкил этади. Ватан арабча сўз бўлиб, “киндик қони тўкилган”, “она юрт” маъносини англатади. Инсон учун Ватандан буюкроқ бойлик йўқ. Ватан инсон яшайдиган маданият, маънавият, адабиёт, санъат, илм-фан ўчоғидир. Иймонли, эътиқодли, кишилар Ватан нима эканлигини яхши тушунадилар. Шу боис Ҳадиси Шарифда “Ватанни севмоқ иймондандир”, деб бежиз ёзилмаган. Ватан – бепоён далалар, халқ, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, иймон-эътиқоди, урф-одатлари, расм-русумлари, удумлар, анъаналари, халқ яратган обидалар, моддий ва маънавий мерос, аجدодлар, уларнинг буюк таълимотлари, халқнинг тили, тарихи, давлат рамзларидир. Бугун ҳар жиҳатдан ривожланиб бораётган таълимнинг барча босқичларида ёш авлоднинг тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай экан, ёшларга чуқур назарий ва амалий билимлар, касбий малака, кўникмалар ҳосил қилиш, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалари ва муаммоларига тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш, Ватанни севиш, аجدодлари яратган бебаҳо маънавий жавоҳирларни имкон қадар эгаллаш, уларни асраб-авайлаш ва бойитиш, мамлакатимиз келажакини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бугунги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги маънавий, ақлий билимлардан фойдаланиб воқеликда фаол иштирок этиш руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир.

Маънавий-ахлоқий дунёқараши шаклланган ўқувчи-ёшларда маънавий-ахлоқий билим, маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий-ахлоқий ҳис-ғуйғу, маънавий-ахлоқий идрок фазилатларни тушуниш даражалари ривожланган бўлади. Маънавий идрок, ахлоқий ирода, хатти-ҳаракат ва малакалар бир-бирини тўлдириб, ўқувчининг шахсий ҳаёти, фаолиятида ўз ифодасини намоён этиши.

Маънавий-ахлоқий компетенциянинг муҳим таркибий қисмларидан яна бири адолатпарварликдир. Адолатпарварлик – инсон ва жамиятнинг, муайян киши, гуруҳ ёки жамоага ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида кўрсатган таъсирини англатади. У адолат тушунчаси билан боғлиқ ва унга таянган ҳолда шахс ва ижтимоий гуруҳлар имкониятлари, талаблари, ҳуқуқлари, ахлоқий фаровонлигини меъёрлайди. Адолат – ижтимоий, фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча сифатида жамиятнинг шахс олдида кўядиган талаблари меъёрини, турли шиорлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий воқеаларга муносабатини характерловчи онг тушунчаси ҳисобланади [5, 49].

Маънавий-ахлоқий компетенциялар талаба-ёшларда мустақил эътиқод, дунёқараш ва мақсадга эга бўлиш, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлигини таъминлаш, шахсий манфаатни жамият манфаати билан уйғун кўриш йўналишларида мустаҳкамланади. Ўқувчиларда муайян даражада маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий ахлоқий фазилат, маънавий-ахлоқий фаолият, маънавий-ахлоқий

муносабат, маънавий-ахлоқий ҳаракатлар яхлит ҳолатда камол топади ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда жамият маънавиятини мустаҳкамлаш учун асос бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. [www. lex. uz](http://www.lex.uz).
2. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. -T.: “O‘zbekiston”, 1997.
3. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, -T.: “O‘zbekiston”, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори. [www Lex.uz](http://www.Lex.uz)
5. Олимов Ш.Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. (Монография). –Т.: “Fan va texnologiya”, 2015. – 288 б.